

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Усербай Алимханович Байкабилов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Ўзбек тилшунослиги”
кафедраси доцент в.б.

АННОТАЦИЯ

Бугунги кун-глобаллашув давридир. Бу давр инсониятнинг замон билан ҳамнафас одимлашини талаб этади. Шу боисдан, турли соҳа мутахассислари ўз она тилини мукамал билиш билан бир қаторда, бир нечта хорижий тилларни билиши ва мулоқот қила олиши мақсадга мувофиқ.

Калитли сўзлар: қомусий алломаларимиз, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз, бетакрор маънавиятимиз, тилимиз, миллатимиз, динимиз, эътиқодимиз

ABSTRACT

Today is the time of globalization. This period requires humanity to keep up with the times. Therefore, it is desirable that professionals in various fields, in addition to perfect knowledge of their native language, know and be able to communicate in several foreign languages.

Keywords: our encyclopedic scientists, our national values and traditions, our original spirituality, our language, our nation, our religion, our faith.

КИРИШ

Бугунги кун-глобаллашув давридир. Бу давр инсониятнинг замон билан ҳамнафас одимлашини талаб этади. Шу боисдан, турли соҳа мутахассислари ўз она тилини мукамал билиш билан бир қаторда, бир нечта хорижий тилларни билиши ва мулоқот қила олиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун хорижий тилларни ўрганиш ва ўқитиш тизимини янада замонавий методлар билан такомиллаштириш ҳамда чет тилларини ўрганишга бўлган мотивацияни ошириш ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2021 йил, 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси



Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилди.

Интернет сайтларида хорижий тилларни ўрганишга бағишланган “Инглизча “дунёнинг севимли тили ” бўлиб қола оладими?”, “Чет тили фақат “энглиш”ми?” сарлавҳалари остида ёзилган бир нечта илмий ва илмий-оммабоп мақолаларда муаллифлар хорижий тилларни ўқитиш фақатгина инглиз тили билан чекланиб қолиши керак эмаслигига урғу берадилар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дарҳақиқат, хорижий тиллар деганда кўз ўнгимизда барча чет мамлакат тиллари намоён бўлса-да, афсуски, мамлакатимизда мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида бу борада оқсаш яққол сезилади. Негаки, деярли давлат тасарруфидаги барча ўрта мактабларда шу кунга қадар асосан инглиз тили чет тили сифатида ўргатиб келинмоқда эди. Бироқ Президентимиз ташаббуси билан бугунги кунда таълим муассасалари, тармоқлар ва худудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилини — инглиз, рус, немис, француз, хитой, корейс, япон, турк, араб, форс тилларини ўргатишни ташкиллаштиришдек долзарб масала кун тартибига қўйилган.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тил ўрганиш ва ўқитиш борасида дунёнинг етук олимлари тажрибасида самарали натижа бериб келаётган ўқитиш методикалари, шунингдек, хорижий тилларни ўқитиш соҳасида “боғча-мактаб-олий таълим ташкилоти-корхона” тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш, аҳолининг барча қатламларига мос бўлган тилни ўрганиш бўйича услубиёт ва тавсияларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш сингари кўплаб салмоқли ишлар бажарилиб келинмоқда. Агентлик қисқа муддат ичида узлуксиз таълим тизимининг бош бўғинлари саналган вазирликлар, чет тили ўқитишнинг турли соҳаларида фаолият юритиб келаётган кўплаб хорижий ва маҳаллий ташкилотлар ҳамда давлат ва нодавлат таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, катта-катта лойиҳалар устида ишлашга муваффақ бўлмоқда. Жумладан, Британия Кенгаши, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистондаги Гёте Институти, Япония ва Корея халқаро ҳамкорлик агентликлари, Ат Танал Ал Араби араб тилини ўқитиш ва тест тизимини ўз ичига олган ташкилот, Истанбул Айдин Университети, шунингдек, Макмиллан, Оксфорд,

Пирсон, ММ, Клетт сингари хорижий нашриётлар билан алоқа ўрнатилиб, ҳамкорликда фаолият олиб борилмоқда.

Шунингдек, олис ҳудудларда жойлашган ёки хорижий тилларни ўқитиш бўйича кўрсаткичи паст бўлган таълим ташкилотлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича Агентлик томонидан республикада фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотлари ва хорижий ҳамкорлар вакилларида иборат мобил гуруҳлар шакллантирилди. Мазкур мобил гуруҳлар томонидан “каскад” тамойили асосида ҳудудларда хорижий тилларни ўқитиш ва оммалаштириш бўйича тренерлар тайёрланмоқда ҳамда уларнинг ҳудуддаги чет тиллари ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича фаолияти ташкил этилди.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни, она тилимиз қаторида чет тилини ўрганиш, тарғиб ва тадқиқ қилиш, тарихимиз ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банкмолия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш, ўтмиш тарихимизни ўрганиш доирасини кенгайтириш, илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш – миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши биз ўқитувчилар учун зарур ва шартдир.

Ўқувчилар нутқини, дунёқарашини замон талаблари даражасига кўтариш таълим муассасаларида, хусусан умумтаълим мактабларида олиб бориладиган машғулотларнинг асосий вазифаларидан биридир. Синфларда дарсларни мавзу характерига қараб хилма-хил, қизиқарли ва фикрлашга даъват этувчи ўйинтопшириқлар, замонавий педагогик (интерфаол) технологиялар асосида ташкил этиш ўқувчиларда мустақил ижодий мушоҳада юритиш, ўз фикрини аниқ, раво, ихчам ҳолда ўзгаларга етказа билиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга ёрдам беради.

Бой меросимиз, аждодларимизнинг ақл заковати билан йўғрилган «Донишмандлар бисоти»дан олинган чуқур мазмунли қисқа ҳикоялар, маданий-тарихий ёдгорликларимизга оид маълумотлар, узоқ тарихимиз, тилимиз, адабиётимизнинг буюк алломаларига оид маълумотлар тўплашда ахбороткоммуникация технологияларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бу каби технологиялар орқали талаба анимацион кўринишлар орқали маданий ёдгорликларнинг,

обидаларнинг архитектураси, миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, тилимиз ва миллатимиз тўғрисида тасаввур ҳосил қилишлари мумкин. Мавзуни ўргатишда ўқитувчи-педагог ўқувчилар нутқи ва эркин ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, равон гапиришга ўргатиш, назарий маълумотларни пухта ўзлаштириш, сўз бойлигини ошириш, хотирада сақлаш, улар характерида ижобий сифатларни шакллантириш, аждодларимизга бўлган миллий эҳтиром туйғуларини уйғотишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Дарс жараёнида ўқувчиларнинг компьютерда ишлаш ё кузатиш малакалари эмас, энг асосийси, уларнинг ижодкорлик ва ташаббускорлик муҳити ривожланади, эслаб қолиш қобилияти кучайиб, ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилади.

Мультимедия воситалари нутқли ахборотни киритиш-чиқариш қурилмалари, анимацион ва видео маълумотларни киритиш ва чиқариш қурилмалари, товушли ва видео маълумотларни сақловчи оптик дисклар, мультимедия воситаларидан фойдаланишда уларнинг бир неча турлари ва усуллари мавжуд.

Ўқувчиларга янги мавзуни ўтишда, ушбу мавзудаги тегишли назарий ва амалий мустаҳкамловчи воситаларни келтириш ўринлидир: мавзу бўйича мавжуд маълумотларнинг тўлиқ баёни;

- мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар;
- назарий маълумотлар акс этган слайдлар;
- анимацион ролик ва жадваллар;
- таянч сўз ва иборалар;
- интернет маълумотлари;
- Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда методларнинг ва шаклларнинг ўзаро ўрин алмашиниб туриши дарснинг жозибадорлигини, унинг товланиб туришини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Ўқитишнинг замонавий интерфаол усуллари самарали фойдалана билмаслик, дарс ўтишнинг анъанавий усуллари орқали ўқитиш дарснинг зерикарли ва самарасиз ўтишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналишида бўлмаган мутахассислар тайёрлайдиган йўналишлар ўқувчиларининг ушбу фанларга қизиқишининг сусайишига, шунинг натижасида талаба дунёқарашининг тор доирада шаклланиб қолишига олиб келади.

Таълим тизимида фанларни интерфаол усуллардан фойдаланиб ўргатишнинг асосий мақсадлари уларни кейинги

меҳнат фаолиятида тўғри ёзиш, хусусан инглиз ёки немис тилида ўз фикрини эркин баён этиш, тарихимизга миллий эҳтиром туйғуларини ўқувчилар онгига сингдиришга эришиш, муншаот қоидаларини билиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришдир. Ушбу кўникмалар ичида энг муҳими фикрни матн тарзида изчил баён этишдир.

Оддий бир мисол. Машғулотнинг аввалида ўқувчиларга буюк тарихчиларимиз, қомусий алломаларимиз, миллий кадриятларимиз ва анъаналаримиз, бетакрор маънавиятимиз, тилимиз, миллатимиз, динимиз, эътиқодимиз ҳақидаги маълумотлар билан ишлаш, осон инглиз ёки немис тилида гапириш йўллари тушунтирилади. Кейин талабаларнинг эътибори монитор (экран) даги ахборотларни /матнли, тасвири/ товушли ва анимацион кўринишда намоиш қилинаётган матнга қаратилади. Ўқувчилар унинг мазмунини, талаб даражаси билан танишганларидан сўнг (товушли) матн устида ишлашнинг қуйидаги босқичларига ўтиши мумкин:

- матндаги асосий фикрни аниқлаш;
- матнни қисмларга ажратиш;
- матн юзасидан саволлар тузиш;
- матнга режа тузиш;
- режа асосида матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш;
- сюжет (тарихий воқеалар, миллий маданий кадриятлар, муҳим саналар, фактлар, рақамлар ва ҳар хил қарашлар) мазмунини қайта ҳикоя қилиш;
- тушуниш асосида ўз фикрини мустақил баён қилиш ва ҳ.к.

Машғулот давомида ўқувчиларда мустақил фикр билдириш, хотирани чарҳлаш, эсда тутиш ва нутқ малакаларини ривожлантириш учун яна қуйидаги вазифалар таклиф этилиши мумкин.

Компьютерга маълум даврдаги тарихий воқеалар (диний эътиқодлар, ғоялар, тилимизнинг тадрижий ривожланиш босқичлари) ёзилган бўлади. Ҳар бир талаба тасвирий воқеа (товушли матн)ни ўзича таҳлил қилиши, давом эттириши ва яқун ясаши мумкин. (Олинган жавоблар компьютерга ёзиб борилади).

Таҳлил қилганимиздек, таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллашда ўтмиш алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланиш ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда янада самарали бўлишини таъминлайди. Замонавий ўқув машғулотларида ана шундай натижага эришиш ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларини

кўллашни тақозо этади. Шундай экан, ўқитувчи янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни ўзлаштириши ва уни дарсда татбиқ этиши, такомиллаштириб бориши, ўз устида ишлаши, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаши орқали – келгусида ўқувчиларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга эришади. Бу масъулиятли вазифа натижасида ўқувчида қуйидаги кўникмалар шаклланади:

- ўқувчи ўзида ортиқча ҳаяжонни йўқ қила олишга ўрганиб боради;
- сўзга чиқишдан олдин журъатсизликни енга олиш қобилияти ўсади;
- қаттиқ ҳаяжон, руҳий зарба (стресс) вақтида ўзини бошқара олишни ўрганади.

ХУЛОСА

Кўриниб турибдики, умумтаълим мактаб таълимида интерфаол усулларни қўллаш самарали фойдаланиш жараёнида ўқувчи фаол иштирокчига айланади, уларда фан бўйича ҳосил бўлган билим, малака ва кўникма мустаҳкамланади, бу эса, ўз навбатида машғулотнинг самарадорлиги ошганлиги ва ўқитувчи ижобий натижага эришганини кўрсатади.

Мактабларда таълим тизимида интерфаол усуллардан фойдаланишнинг шунга ўхшаш усуллари кўп, асосийси, бунда ўқувчиларни компьютер ва мультимедия воситалари билан ишлашга нафақат қизиқтириш, балки одатлантириш керак.

Бир сўз билан айтганда, ахборот технологиялари нафақат келажак технологияси, шунингдек, ўтмиш тарихимизни, миллий анъаналаримизни, меросимиз, динимиз, миллатимиз, ўзлимиз, ҳорижий тилларни ўрганишда ҳам асосий воситалардан бири сифатида ўз мавқеига эгаллиги шубҳасиз.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni "Raqqamli O'zbekiston-2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" 5 oktabr 2020 yil, PQ-6079
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 28.04.2020 yildagi PQ-4699-sonli
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 15.07.2019 yildagi 589-sonli
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 2020-yil 17-martdagi PQ-4642- sonli

5. Леонов, С. А. (2018). Интеграция здравоохранения, образования и информационно-коммуникационных технологий в рамках цифровизации отечественной медицины. Актуальные проблемы экономики и управления, (3), 35-39.
6. Сафуанов, Р. М., Лехмус, М. Ю., & Колганов, Е. А. (2019). Цифровизация системы образования. Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия: экономика, (2 (28)).
7. Котенёва, Д. С., Бут, Е. А., & Гурова, Е. А. (2020). Цифровые технологии в системе образования. Молодежный научный форум, 78.

